АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ФИТОНИМЛАРНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОНИ

Махфуза Усманова
Жиззах ДПИ, катта ўқитувчи
u.maxfuza2912@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Навоий асарларининг луғат бойлиги деб аталувчи лексик тизимнинг моҳияти, сўзларнинг қўлланиш доираси, ҳажми ва чегарасини белгилаш ўзбек тилшунослик фани учун долзарб аҳамиятга эга эканлиги, Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимлик номлари тўпланиб, улар генеологик, лексик - семантик ва семантик-услубий йўналишларда тадқиқ этилди, таркибида ўсимлик ва дарахт номлари бўлган қўшма сўзлар, сўз бирикмаларининг ҳам семантик-услубий жиҳатлари, бадииятдаги ўрни таҳлил қилинди.Шунингдек, фитонимларнинг семантик майдони ўрганилди.

Калит сўзлар: тил, адабиёт, луғат, асар, сўз, фитоним.

SEMANTIC FIELD OF PHYTONYMS IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

Mahfuza Usmanova
Senior Teacher, Jizzakh SPI
u.maxfuza2912@gmail.com

ABSTRACT

In this article, the essence of the lexical system, called the vocabulary of Navoi's works, the definition of the scope, scope and boundaries of words are studied for the importance of Uzbek linguistics. Plant names in the language of Alisher Navoi's works were collected and studied in genealogical, lexical-semantic and semantic-methodological directions, compound words containing plant and tree names, semantic-stylistic aspects of word combinations, their place in art were analyzed. The semantic field of phytonims was also studied.

Keywords: language, literature, dictionary, work, word, phytonym.

КИРИШ

Ўзбек тилининг қардош туркий тиллар орасида энг бой ва серқатлам бўлишида, ривожланган жаҳон тиллари қаторидан муносиб жой эгаллашида, ўзбек адабий тилининг тараққиётида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс. Алишер Навоий асарлари тафаккур гулшани бўлиш билан бирга, ғоят бой сўз хазинаси ҳамдир. Шоир асарларида ўзбек халқи

турмуш тарзи ва дунёқарашининг барча соҳаларига оид сўз ва иборалар мавжуд. “...ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар таёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур.” Бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда.

Навоий асарларининг луғат бойлиги деб аталувчи лексик тизимнинг моҳиятини, сўзларнинг қўлланиш доирасини, ҳажми ва чегарасини белгилаш ўзбек тилшунослик фани учун долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир сўз ва терминлар махсус ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабий тили тарихининг тўлиқ шаклланиш даври ҳисобланган Алишер Навонй ижоди билан боғлик мукаммал, умумлаштирилган лексикологик тадқиқотлар кўп эмас.

Навоий асарлари тили лексик бойлигининг маълум қисмини ўсимликлар дунёсини акс эттирган сўзлар ташкил қилади.

Тадқиқотда Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимлик номлари тўпланиб, улар генеологик, лексик - семантик ва семантик-услубий йўналишларда тадқиқ этилди, таркибида ўсимлик ва дарахт номлари бўлган қўшма сўзлар, сўз бирикмаларининг ҳам семантик-услубий жиҳатлари, бадииятдаги ўрни таҳлил қилинди. Бу долзарб масаланинг ижобий ҳал этилиши Навоий асарлари лексик бойлиги ҳақидаги илмий, назарий билимларни тўлдиради, ўзбек тили лексикаси тараққиёт йўлини тўғри белгилашда улуш бўлиб қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2020йил 21 октябрдаги ПФ – 5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий мақоламиз натижалари муайян даражада хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Навоий асарлари тили лексикасини ўта бойлиги, бадиий тилининг лексик-семантик ва грамматик-услубий жиҳатлардан мукаммаллиги учун туркийшунос

олимлар ва ўзбек тилшунослари унинг меросини чуқур тадқиқ этиш бўйича жиддий изланишлар олиб боришди. Навоий асарлари тил хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар кўлами ва миқдори кўп бўлганлиги, уларнинг барчасини санаб кўрсатиш имконияти йўқлиги сабабли унинг асарлари тилини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган А.К.Боровков, А.М.Щербак, А.Рустамов, Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдураҳмонов, О.Усмонов, Э.Фозилов, Б.Бафоев, С.Аширбоев, У.Санақулов, Э.Умаров, Х.Дониёров, Ҳ.Дадабоев, Н.Ҳусанов, И.Носиров, З.Ҳамидов, Б.Юсупов, Д.Абдувалиева ва бошқа олимларнинг номларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунгача Алишер Навоий асарлари тилининг сўз бойлиги, бу бойликнинг генеологик асослари статистик метод орқали атрофлича чуқур тадқиқ этилган.

НАТИЖАЛАР

Қуйидаги илмий натижаларга эришилди:

- шоир қўллаган фитонимларнинг кўпчилиги ўз маъносидан ташқари, умумистеъмол (кўчма) маъноларга ҳам эгалиги, **гул** лексемаси (50 дан ортиқ маънода) ва **сарв** лексемаси (20 дан ортиқ маънода) кўпмаънолилиги билан бошқа номлардан ажралиб туриши, ўсимлик номларининг семалари асосида турли кўчма маънолар ҳосил қилиш бадиий услуб хусусан, ўхшатиш ва сифатлаш санъатлари учун хизмат қилиши кўрсатилди;

- Навоий асарлари тилидаги фитонимларнинг статистик-морфологик таҳлили уларнинг, асосан, туб сўзлар эканини кўрсатди, лекин ўсимлик номларидан кўплаб содда ясама ва қўшма сўзлар ҳосил қилинганки, улар (**гул** лексемасидан 60 дан ортиқ сўз ясалган) айни ўсимлик номини эмас, балки уларнинг семаларига алоқадор бўлган бошқа (кўчма) маъноларни англатишга хизмат қилган. Сўз ясалиши, асосан, от, сифат ва равиш туркумлари доирасида бўлганлиги кўрсатилди.

- ўсимлик номлари лексемаларида «ўсимлик», унинг «ҳосили» ва «маҳсулоти» (танаси) семалари биргаликда мавжуд эканлиги ва улардан бири иккинчисидан кўчма маъно йўли билан ҳосил қилинмаслиги кўрсатилди;

- кўчма маъноларнинг фитонимлар лексемасининг семантик структураси заминида ҳосил қилиниши ва қўлланиши Навоий бадиий матнлари асосида шарҳланди. Фитонимлардан бадиий тилда фойдаланиш маҳорати улуғ шоир тафаккур қудратининг, сўз санъатидаги маҳоратининг, бадиий услуби жилокорлиги ва жозибадорлигининг белгиларидан бири эканлиги мисоллар воситасида тавсифланди.

МУҲОКАМА

Ўсимлик номлари ҳар бир халқ тилида маълум қатламни ташкил қилади. Ўсимлик номларида шу халқ яшаб келган тарихий-географик ҳудудга ва иқлимга мос келувчи наботот олами кўлами ҳам намоён бўлади.

Алишер Навоий асарлари тилидаги бир мавзуий гуруҳ сўзлари - фитонимларни ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки тилдаги сўзларни мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганиш сўз қўллаш тарихини мукаммалроқ ёритишга, сўзларнинг тарихий-этимологик қиёфасини аниқлашга, сўзларнинг диахроник ўзгаришлари ва синхрон ҳолатдаги шаклини баҳолашга, ўрганилаётган тилга қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг лексика жиҳатидан таъсирини баҳолашга, сўзларнинг лексик-семантик,семантик-услубий хусусиятларини кенгроқ ёритишга имконият беради.

Фитонимлар лисоний ва ботаник бирлик сифатида селекция, нав ва унинг хилини, қандай ўсимлик (сабзавот, полиз, резавор, донли экинларни, мевали ва манзарали дарахтлар)ни ифодалаши, пишиш вақти ва бошқа табиий белги-хусусиятларига кўра таснифланади..

Навоий асарларидаги фитонимларнинг семантик майдонини табиий бўлинишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Гул номларини ифодаловчи фитонимлар.

II. Мевали ва мевасиз дарахтларни ифодаловчи фитонимлар.

III. Маданий экинлар ва ёввойи ўсимликларни ифодаловчи фитонимлар.

IV. Сабзавот ва полиз экинларини ифодаловчи фитонимлар

Маълумки, бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, ўсимлик номида шу ўсимликнинг «тупи» тушунчаси ҳам, «меваси» тушунчаси ҳам, «гули» тушунчаси ҳам ифодаланади. Унинг «тупи», ёки «меваси», ёки «гули» маънода эканлиги нутқий бирликдан (контекстдан) англашилади.

Г.Ҳ. Неъматова тўғри таъкидлаганидек, «Ўзбек тили ўсимлик номлари лексемаларининг маъновий қиймати «ўсимлик», «ҳосил», «маҳсулот» каби асосий семаларни ўз ичига олади ва нутқда шароит, қуршов сўзлари таъсири остида бу маънолардан бирини воқеалантиради».

Номшуносликда «ўсимлик номлари» бирикмаси ўсимликлар ва уларнинг туркум, тур, нав ва хилларини атаб келувчи туб, ясама сўзлар (**гул, райҳон, лола, шалғам, беҳи, гулбун, гулбарг** ва ҳ.) ва сўз бирикмалари (**гули раъно, гули садбарг, оқ терак, кўк терак** ва ҳ.) мажмуасини англатади. Шу сабабли содда, қўшма ҳамда «сўз бирикмаси» тузилишли ўсимлик номларини таҳлилга тортилди, шунингдек, ўсимлик номлари лексемалари иштирокида тузилиб,

ўсимлик номини эмас, бошқа маъноларни англатувчи сўзларнинг семантикаси ҳақида ҳам фикр юритилди.

ХУЛОСА

1. Навоий асарлари ўз мазмун-мундарижасига кўра жуда бой бўлиб, унда туркий-ўзбек халқи турмуш тарзининг, руҳий ва маънавий оламининг турли соҳаларига оид сўзлар мавжуд: диний-тасаввуфий, афсонавий, ҳарбий терминлар, киши исмлари, тахаллуслари, инсон тана аъзолари номларн, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуққа оид терминлар, уй-рўзгор, кийим-кечак, касб-ҳунар, таълим-тарбия, озиқ-овқат, об-ҳавога оид лексема, жугрофий, астрономик тушунчалар ва осмон жисмлари терминлари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, паррандалар, куш номлари, майда жониворлар, ўсимлик, дарахтлар, кон билан боглиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, спорт ўйинлари, мусикий тилшунослик, адабиётшунослик терминлари Навоий асарларининг сўз хазинасини ташкил қилади.

2. Фитонимларда халқ яшаб келган тарихий-географик ҳудудга ва иқлимга мос келувчи наботот олами намоён бўлади. Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимлик оламига оид номлар ва улардан ясалган сўзлар эски ўзбек адабий тилининг шу соҳадаги лексик бойлигини ва уларнинг бадиий санъатдаги ўрнини ифодалаб туради.

3. Тилдаги бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, ўсимлик номида шу ўсимликни тўла қамраб олган тушунча ҳам, унинг «меваси» тушунчаси ҳам, «гули» ва «илдизи» тушунчаси ҳам ифодаланади. Муайян ўсимлик номининг қайси маънода эканлиги матн мазмунидан (контекстдан) англашилади.

4. Ўсимликлар оламига мансуб бўлган жами 305 та сўзга нисбатан булар фоиз ҳисобида: умумтуркий ва ўзбекча сўзлар 11,1%ни, арабча сўзлар 17,4%ни, форс-тожикча сўзлар 66,9%ни ва аралаш таркибли сўзлар 4,6%ни ташкил этади.

5. Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимликлар оламига мансуб сўзларни ҳозирги ўзбек тилида сақланганлик-сақланмаганлигига кўра тўрт турга бўлиш мумкин: а) айни ўша шакл ва маънода етиб келган сўзлар;
б) фонетик шакли бироз ўзгарган сўзлар; в) маъносида ўзгариш юз берган сўзлар; г) шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзлар.

REFERENCES

1. М.Усманова Использование в произведениях А.Навои сложных существительных с морфемой «Гул» Халқ таълими. Илмий –методик журнал 2011/4. 88- 89 бет

2. М.Усманова Alisher Navoiy asarlarida o’simlik nomlari Filologiya masalalari №1 M.Fuzuliy nomidagi Azarbayjon milliy ilmlar akademiyasi. Baku.: “Ilm va tahsil” nashriyoti 2012 yil 110-115 бет
3. М. Усманова Alisher Navoiy asarlarida o’simlik nomlarining umumiy tavsifi. DİL VE EDEBİYAT ARAŞTIRMALARI(8) 2013 yil Turkiya
4. М.Усманова Application of phytonyms in the works of alisher Navoi . European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Volume 7 Number 12, 2019. ISSN 2056-5852. 49-52 бет
5. М.Усманова Genetic classification of phytonyms in navoi works. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research. Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal Volume: 6 Issue: 11 November 2020. India 532-535 б
6. Неъматова Г. Ҳ. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланиши. Филол. фан. номз... дис. автореф. - Тошкент, 1998, 14-б.
7. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати: 4 томлик. - Тошкент: Фан, 1983-1985. Т. I - 782 б. Т. II - 642. Т. III- 622. Т. IV - 636.
8. Навоий асарлари учун қисқача луғат. - Тошкент: Фан, 1993.- 374 б.